

**Жорий таъмирлашга оид  
ШАРТНОМАС № 8  
ЛОТ (22110012094342)**

Самарқанд туман

2022 йил "10" Июнь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Самарқанд туман Халқ таълими бўлими номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар **Б.Мардонов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган ООО ISLOMBEK SIFAR QURILISH номидан «Устав» асосида иш кўрувчи **И.Кенжаев** иккинчи томондан, бўйича қуидаги шартномани туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тутрискадаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объективнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Самарқанд туман Халқ таълими бўлимига қарашли 22-мактабни лойихада кўзда тутилган ҳолда куриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

№	Ишнинг номи	Бошлангич нархи	Сумма	ККС 15%	Шартноманинг умумий қиймати
1	22-сон Мактаб жорий таъмирлаш	702 997 432	593 043 479	88 956 521	682 000 000
	Жами				682 000 000

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА  
ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "30" Майдаги 1-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда (ККС) билан бирга жорий нархлар 682 000 000 (Олти юз саксон икки миллион) сўм.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно); объективнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфисизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони қўриклини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишина таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 50 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фойзи миқдорида аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарылган ишлар” далолатномасига (форма-2) хамда назорат куригидан утказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектта мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўтгиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равиша хабардор қиласди.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятта эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюргмачи томонидан асосли равища күрсатылган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини күриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

32. Агар енгиг бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюргмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюргмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

36. Буюргмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюргмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюргмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюргмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюргмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюргмачига берилади, Буюргмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качилклар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 18% фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қиласди.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида кўйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай харакатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишигэ бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя кильмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон килингандек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу харакат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли молмукни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга хаклиdir.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, \_\_\_\_\_.2022йил Фазначилиқдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача хисобланади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

Ташкилот номи: ООО ISLOMBEK SIFAT QURILISH  
Манзил: Самарқанд туман, Улугбек ҚФЙ

Телефон: (91)-529-17-55

Х/р: 20208000400291969001

Банк номи: "АТ ХАЛҚ БАНК"

Банк коди: (МФО) 00734

ИНН: 302859764

ОКЭД: 41203



Рахбар: \_\_\_\_\_ И.Кенжаев

### БЮОРТМАЧИ

Ташкилот номи: Самарқанд туман Ҳалқ таълими бўлими  
Манзил: Самарқанд туман, Пулимубоб маҳалласи

Телефон: (97)-578-78-80

ШХ/Р: \_\_\_\_\_

ШХ/Р: 401722860182337092100075025

Ташкилот СТИР: 200776975

ОКЭД: 85310

КТУТ \_\_\_\_\_

Фазначилик булими: Уз.Рес.Молия ваз Газначилиги

Ягона ғазна хисоб варағи

Фазначилик х/р: 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк

Банк коди(МФО) 00014

Фазначилик СТИРи: 201122919

Рахбар: \_\_\_\_\_ Б.Мардонов





**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
SAMARQAND TUMAN YURIDIK XIZMAT KO`RSATISH MARKAZI

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**
2. Loyihaning nomi: **“ISLOMBEK SIFAT QURILISH” MChJ bilan tuzilgan 8-sonli joriy ta’mirlashga oid shartnomasi to’g’risida (22-sonli umumiy o’rta ta’lim maktabi)**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:  
**Samarqand tuman Xalq ta’limi bo’limi tomonidan 08.06.2022 yilda ishlab chiqilgan va 08.06.2022 yilda tizimga kiritilgan.**

*Mazkur loyiha O’zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.*

2022-yil 09-iyun

**Yuridik xizmat ko’rsatish markazi  
Bosh yuriskonsulti**



**B.B. Xolmurodov**

ПРИЛОЖЕНИЕ К ДОГОВОРУ № 8

СПЕЦИФИКАЦИЯ

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЯ ШКОЛЫ №22 В САМАРКАНДСКОМ РАЙОНЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Н п.п.	Шифр номера нормативов и коды ресурсов	Наименование работ и затрат, характеристика оборудования и его масса	Единица измерения	Количество		
				на ед. измерения	по проектным данным	по проектным данным
1	2	3	4	5	6	7
1		РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ОКНОНХ С ПОДОКОННЫМИ ДОСКАМИ	100M2	4,5000	528664	2 378 986
2		РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ДВЕРНЫХ И ВОРОТНЫХ	100M2	0,2320	2373396	550 628
3		УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКНОНХ БЛОКОВ ИЗ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЯ, АЛЮМИНИЯ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКА В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ (ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ). С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2	100 M2	4,4950	88813917	399 218 559
4		УСТАНОВКА ПОДОКОННЫХ ДОСОК ИЗ ПВХ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ТОЛЩИНОЙ ДО 0,51 М.	100 M	2,4700	5930624	14 648 641
5		УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ. В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100M2	0,2320	88152707	20 451 428
6		РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ КРОВЕЛЬ. ИЗ ВОЛНИСТЫХ И ПОЛУВОЛНИСТЫХ АСБЕСТОЦЕМЕНТНЫХ ЛИСТОВ	100M2	2,2100	558435	1 234 142
7		РАЗБОРКА ОБРЕШЕТКИ ИЗ БРУСКОВ С ПРОЗОРАМИ	100M2	2,2100	346699	766 206
8		РАЗБОРКА СТРОПИЛ СО СТОЙКАМИ И ПОДКОСАМИ ИЗ БРУСЬЕВ И БРЕВЕН	100M2	2,2100	618918	1 367 809
9		УСТАНОВКА СТРОПИЛ	M3	2,0000	5173919	10 347 839
10		УСТАНОВКА ДЕРЕВЯННОЙ ОБРЕШЕТКИ ПОД ПРОФЛИСТ	M3	1,0000	5150325	5 150 325
11		УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ. ПРОСТОЙ	100 M2	2,2000	9617644	21 158 817
12		УСТРОЙСТВО ЖЕЛОБОВ ПОДВЕСНЫХ	100M	0,6400	944078	604 210
13		ЖЕЛОБ УПРАЩЕННЫЙ	M	64,0000	24803	1 587 398
14		КРОНШТЕЙН ДЛЯ ЖЕЛОБ	ШТ	40,0000	6630	265 195
15		КОНЕК	M	35,0000	19842	694 487
16		СНЕГОДЕРЖАТЕЛЬ	M	60,0000	19842	1 190 549
17		УСТРОЙСТВО СЛУХОВЫХ ОКОН	СЛУХОВ	2,0000	1140802	2 281 603
18		НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100M ТРУБ	1,8400	4377496	8 054 593
19		ВОРОНКА	ШТ	26,0000	23539	612 007
20		КОЛЕНО	ШТ	78,0000	18602	1 450 981
21		КРОНШТЕЙН ДЛЯ ВОДОСТОЧНОЙ ТРУБЫ	ШТ	100,0000	6630	662 987
22		УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	2,0000	2415080	4 830 160
23		ШПАТЛЕВКА ФАСАДОВ. ПРОСТОХ С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	2,0000	575297	1 150 594
24		ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНАЯ	100M2	2,0000	402452	804 905
25		ОКРАСКА ЦОКОЛЯ МАСЛЯННОЙ КРАСКОЙ	100M2	0,3000	2308556	692 567
26		УСТАНОВКА И РАЗБОРКА НАРУЖНЫХ ИНВЕНТАРНЫХ ЛЕСОВ ВЫСОТОЙ ДО 16 М ТРУБЧАТЫХ ДЛЯ ПРОЧИХ ОТДЕЛОЧНЫХ РАБОТ	100M2	2,0000	993583	1 987 167
27		УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ И ПОКРЫТИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНЫХ СМЕСЕЙ ОДНОСЛОЙНЫХ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ	1000M2	0,2500	7912503	1 978 126
28		УСТРОЙСТВО ЦЕМЕНТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ ОДНОСЛОЙНЫХ СРЕДСТВАМИ МАЛОЙ МЕХАНИЗАЦИИ, ТОЛЩИНА СЛОЯ 20 СМ	1000M2	0,2500	99213155	24 803 289
29		ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ 10СМ	1000M2	-0,2500	43969471	-10 992 368
30		РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ ПОЛОВ. ДОЩАТЫХ	100M2	2,1300	875575	1 864 974
31		РАЗБОРКА ОСНОВАНИЙ ПОКРЫТИЯ ПОЛОВ: ЛАГ ИЗ ДОСОК И БРУСКОВ	100M2	2,1300	175405	373 614
32		УКЛАДКА ЛАГ ПО КИРПИЧНЫМ СТОЛБИКАМ	100M2	2,1300	7873244	16 770 009
33		УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ДОЩАТЫХ ТОЛЩИНОЙ 36 ММ	100M2	2,1300	17530722	37 340 437
34		УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ДЕРЕВЯННЫХ	100M	0,6500	1773425	1 152 726
35		ПОКРЫТИЕ ПОЛОВ ЛАКОМ ПО ОГРУНТОВАННОЙ ИЛИ ОКРАШЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ЗА 2 РАЗА	100M2	2,1300	737089	1 570 000
36		УСТАНОВКА ДВЕРНЫХ ЗАМКОВ В ДВЕРЯХ ДЕРЕВЯННЫХ, ДСП, ДВП	100 ШТ	0,3000	9455969	2 836 791
37		ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ОКНОНХ И ДВЕРНЫХ ОТКОСОВ ПО БЕТОНУ И КАМНЮ ПЛОСКИХ	100M2	1,4000	6474643	9 064 500
38		ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН ОТКОСОВ	100M2	1,4000	1527571	2 138 600
		<b>ИТОГО:</b>				<b>593 043 478</b>
		<b>НДС-15%</b>				<b>88 956 522</b>
		<b>ИТОГО С НДС :</b>				<b>682 000 000</b>



С. кепкаев.

Гал



С. Гал